"Тасдиқлайман"
"Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш
бошқармаси " бош мухандиси
_________________ З.Б.Довлатов

"2022 йил давомида Туямуйин гидроузелидаги гиротехник иншоотларнинг холатини табиий холда куриш ва текшириш" хизматларини бажариш бўйича

Энг яхши таклифларни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. **Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
II. **Техник қисм**
III. **Нархлар қисми**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: "2022 йил давомида Туямуйин гидроузелидаги гиротехник иншоотларнинг холатини табиий холда куриш ва текшириш" хизматларини бажариш.
1.2. Танлов киймати 40 000 000 ( Қирқ миллион ) сум. Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача.
1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади).
-танлав ташкилотчиси ҳисобланади. "Буюртмачи" манзили: Хоразм вилояти Тупроккалъа тумани Мухаббат махалласи, Эл.адрес:
2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
2.3. Танлов Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси - "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томомидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: - танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, солиқ идораларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ёки хизмат кўрсатувчи банкда инкассалар ва хар хил турдаги қарздорликлари йўқлиги тўғрисида банк маълумотномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурсларидан, малакавий ишчиларниннг ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёхат ва ваколатлар;
- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- фаолияти давомида камида 3 тадан ортиқ ташкилотларида фаолият олиб борганлиги;
- танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
-бугунги кунгача жами айланма маблаглари тўғрисидаги банк маълумоти ,йиллик солиқ хисоботларида асосий воситаларидан (эксковатор, юк автомобили ва бошқалар) нинг мавжудлиги, молиявий натижалари ва йиллик баланс хисоботидан нусхалар тақдим этиши лозим:
Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофих тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

-мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар, ҳамда ушбу хужжатнинг 3.2 бандига мос келмаган иштирокчилар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ.

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3.танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

• Техник хужжатлар рўйхати (бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишлари тўғрисидаги хужжатлар рўйхати илова қилинади);.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ.

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълукли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги Қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТАМОНЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак.
Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган билса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг хоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун- мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичиида махсус ахборот порталида эълон хилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва бахолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга қахли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокиисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади

Ишлаб чикариш ва таьминот буйича бош мухандис: Ш.Қазақов